

Қозон шаҳрида ёш мусулмонлар масжидларни тозалашга чиқишади



18:30 / 27.02.2021 1213

ДУМ РТ кўнгиллилари Рамазон ойи яқинлашиб келаётгани муносабати билан «Тоза масжид» акция лойиҳасини режалаштириб, республика масжидларини тозалашга киришдилар. Ҳар шанба куни кўнгиллилар Қозон шаҳридаги масжидлардан бирида ободонлаштириш куни ўтказадилар. Акция давомида бугунги кунгача йигитлар «Қозон Нури», «Салах», «Рамазон» масжидларини тоза ва обод қилишга муваффақ бўлишди.

Бу ҳафтатада, кўнгиллилар Габдраҳим Утйз Имени шаҳридаги Қозон масжидида тозалаш кунини ўтказадилар. Дубравная ва Ричард Сорге кўчалари кесишмасида қурилаётган масжид атрофида чиқиндиларини олиб ташлаш ва тартибга солиш керак. Шу сабабдан бу ҳафта фақат йигитлар таклиф этилиши қайд этилган. «Тоза масжид» акциясига иш кийимида, ниқоб ва қўлқопда келиш талаб этилади.

Акцияда иштирок этиш учун 8 (843) 237-86-18 телефон рақамига кўнғироқ қилиб рўйхатдан ўтиш керак дея хабар беради Татаристон Республикаси Мусулмонлари Диний Бошқармасининг Ижтимоий ривожланиш бўлимига таяниб, Тожикистон Мусулмонлари Диний Бошқармаси матбуот хизмати.

Таржимон: Низомиддин